Echinostoma revolutum (Froelich , 1802) Iooss, 1899

Хўжайини: *Anas crecca*, *Anas acuta*, *Gallus-gallus domesticus*- ёввойи ўрдак, уй товуғи.

Жойлашиши: ингичка ичак. 41 та текширилган ёввойи ўрдакнинг 3(7.3%), 5 та шилохвостнинг 2 тасида, 172 та уй товуғининг 8(4.6%) зараланган.


Зарарланиш интенсивлиги 3,1 , 2.0 , 2,8 га тенг. Сурхондарё вилоятининг Жарқурғон туманида январда қайд этилган.

Echinostoma transfretanum Dietz, 1909

Хўжайини: *Fulika atra*- қашқалдоқ.

Жойлашиши: ингичка ичак. 33та текширилган қушларнинг 3(9.0%) трематода билан зарарланган. Зарарланиш интенсивлиги 4.6 га тенг. Сурходарё вилоятининг Сурхон дарёси атрофидан июнда аниқланган. Ушбу трематода Ўзбекистонда биринчи марта қайд этилди. Қашқалдоқда асосий хўжайин сифатида биринчи марта қайд этилди.

Турнинг биологик таърифи: Танаси зич, яссилашган, кутикуласи илмоқлар билан қопланган, бошидаги ёқаси яхши ажралган. трематода узунлиги 11.6-12.3 мм, максимал эни 1.52-1.54 мм. Буйраксимон бошидаги ёқаси узунлиги 0.101-0.105 мм бўлган илмоқлар билан қопланган. Огиз сургичининг кўндаланг диаметри 0.17-0.23 мм, фаринкс 0.252-0.289 мм. Кизилунгач (0.33-0.37мм) танани ўрта қисмигача тармоқланган, қорин сургичи мустахкам, диаметри 1.2 мм. Сариклик қорин сургичининг орқа бурчагидан бошланиб, тана охиригача тармоқланади. Уруғдони (олдингиси 1.37-1.48 мм, орқадагиси 1.42-1.54 мм)бир-бирига қарама қарши жойлашган бўлиб, танани иккинчи ярмидан бошланади. Юмалок тухумдоннинг диаметри 0.448 мм, уруғдон олдида жойлашган. Тухуми йирик, узунлиги 0.12-0.08 мм. (8-расм).



8-Расм . Трематода *Echinostoma transfretanum* Dietz , 1909

а – умумий кўриниши, б – тухум

Echinostoma chloropodis (Zeder, 1800)

Хўжайини: *Fulica atra*- қашқалдоқ.

Жойлашиши: ингичка ичак, 33та текширилган қушнинг 2(6.0%) зарарланган. Зарарланиш интенсивлиги 5,1 га тенг. Сурхондарё вилоятида Сурхон дарёси қирғоғидан қайд этилган. Ушбу трематода Ўзбекистонда биринчи марта қайд этилган.


*Petasiger exsaeretus*Diets, 1909

Хўжайини: *Phalacro coraxcarbo* – катта қоравой.

Жойлашиши: ингичка ичак, 27 та текширилган қушнинг 2(7.4%) зарарланган.Зарарланиш интенсивлиги 2.1 га тенг. Сурхондарё вилояти Шеробод тумани Қорасув дарёсидан март ойида қайд этилган. Ушбу трематода Ўзбекистонда биринчи марта қайд этилган.

Турнинг биологик таърифи: Кичик, нозик паразит бўлиб, узунлиги 1.85 мм. Тананинг олдинги қисми кучли бўлиб, тана узунлигининг учдан бир қисмини ташкил этади, эни (0.178 мм кўндаланг кесими) тананинг ҳамма қисмида бир хил. Бош қисмида 28 та илмоқлари бор. Оғиз сургичи овал шаклида, кўндаланг кесими диаметри 0.150 мм. Қорин сўрғичи тананинг ўрта

қисмигача давом этган. Кизилунгач узунлиги 0.240мм. йирик, кўндалангига ёйилган уругдон(биринчиси 0.130-0.150мм, иккинчиси 0.160-0.181 мм) тана иккинчи ярмининг бошланишида бир-бирига зич жойлашган. Тухумдони юмалок, диаметри 0.011мм, тухуми 0.088-0.055 мм (9-расм).



9-Расм . Трематода *Petasiger exaeretus* Diets, 1909

а – умумий кўриниши) б - илмоқли диск


Brachylecithum donicum Strom, 1940

Хўжайини: *Corvus corone*- қора қарға.

Жойлашиши: жигар, 59 та текширилган қушнинг 2(3.3%) зарарланган. Зарарланиш интенсивлиги 42,5 га тенг. Сурхондарё вилояти Музработ туманида августда қайд этилган. Ўзбекистонда биринчи марта қайд этилган.

Ушбу трематода қора қарғада биринчи марта хўжайин сифатида қайд этилган.

Турнинг биологик таърифи: Танаси нозик, максимал узунлиги 6.1 мм, эни 0.3 мм. Танасининг олдинги иккита уруғдонгача бўлган қисми бироз кенгрок. Огиз сурғичи юмалок, диаметри 0.11мм. Танасининг 0.55 мм гача булган олдинги қисми, қорин сўрғичигача бўлган қисми кенгайган. Қорин сўрғичи диаметри 0.139мм бўлиб, юмалок шаклда, баъзиларида бутун тана диаметрини эгаллаган бўлиб, ён учларигача етиб боради. Уруғдони 0.35 мм. Тухумдони уруғдондан кичик, деярли юмалок шаклда, қалин қобиқ билан уралган, узунлиги 0.033-0.022 мм , эни 0.023 мм (10-расм).




10- Расм . Трематодани умумий кўриниши *Brachylecithum donicum* (Issaitshikoff, 1919) Strom, 1940

Lyperosomum longicauda (Rudolphi, 1809) Looss, 1899

Хўжайини: *Corvus corone* – қора қарға.

Жойлашиши: жигарда, 59 та текширилган қарғанинг 4(6.7%) зарарланган. Зарарланиш интенсивлиги 41.5 га тенг. Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманида учраши июнь ойида аниқланган. Ушбу цестода қора қарғада Ўзбекистон шароитида биринчи марта қайд этилган.

Турнинг биологик таърифи: Танаси ясси, узунлиги 6.45- 7.28мм, қорин сўрғичида жойлашган қисми анча кенгайган. Қорин сўрғичи диаметри 0.325 мм, фаринкс 0.19 мм. Қизилунгач қиска, ичаги тананинг охириги учигача давом этади. Олдинги уруғдон (0.30-0.37мм) кейингиси (0.26-0.29мм), билан бир-бирига мос ҳолда жойлашган. Тухумдони 0.32мм. Жинсий бурсанинг узунлиги 0.38мм, эни 0.17 мм, фаринкс ёнидан очилади. Сарикдони узунлиги 1.75-2.01мм. Тухуми (0.034мм узунликда, эни 0.018-0.023мм) кичкина, ўртача катталиқда тўқ ва қорамтир туқ рангдаги қалин қобик билан ўралган. (11-расм).



11-Расм . Трематодани умумий кўриниши *Lypersomum longicauda*

(*Rudolphi, 1809) Looss, 1899*

Lypersomum coracii Sultanov, 1962

Хўжайини: *Corvus corone* – қора қарға.


Жойлашиши: жигарда, 34 та текширилган қарғанинг 5(14.7%) зарарланган. Зарарланиш интенсивлиги 6.8 га тенг. Тошкент вилояти Бўстонлик туманидаги Хумсон қишлоғида май ойида қайд этилган. Ўзбекистон шароитида қарғада биринчи марта қайд этилган.

Clinostomum complanatum (Rudolphi, 1819) Braun, 1899

Хўжайини: *Phalacro corax carbo*, *Larus ridibundus* – катта қоровой, дарё чайкаси.

Жойлашиши: огиз бўшлиғида. 27 та текширилган катта қоровойнинг 5(18.5%), 32 та текширилган чайканинг 3(9.3%) зарарланган. Зарарланиш интенсивлиги 6.6 ва 3.7 га тенг. Сурхондарё вилояти Тупаланг дарёсида қайд этилган. Ушбу трематода Ўзбекистон шароитида катта қоровойда биринчи марта қайд этилган.

Турнинг биологик таърифи: Тана узунлиги 2.067 мм , максимал эни 0.52 мм. Қорин (0.506 мм) ва огиз (0.19мм) сўрғичлари яхши ривожланган. Кутикуласи майда илмоқчалар билан қуролланган. Жинсий безлари медиал жойлашган. Уруғдони жуфт бўлиб (0.11-0.06мм), тухумдони диаметри 0.11мм, уруғдонлари орасида жойлашган. Бош соҳасидан уруғдонгача 0.29мм . Сарикдони жинсий органларини ўраб олиб, токи қорин сўрғичининг орқа учигача кўтарилиб борган. Тухуми 0.101-0.072мм (12-расм).



12-Расм . Трёматодани умумий кўриниши *Clinostomum complanatum*
(*Rudolphi, 1819*) *Braun, 1899*

Prosthogonimus ovatus (*Rudolphi, 1803*)

Хўжайини: *Phasianus colchicus brianchii*, *Anas platyrhynchos dom.* – қирғовул,
хонаки ўрдак.

Жойлашиши: тухумдонда, 5 та текширилган қирғовулнинг 2 си, 95 та хонаки ўрдакнинг 12(12.6%) зарарланган. Зарарланиш интенсивлиги 2.4 ва 6.3 га тенг. Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги ўрдакчилик комплекси ҳамда Сурхон дарёси атрофидаги тўқайзорлардан феврал ойида аниқланган.

Prosthogonimus cuneatus (*Rudolphi, 1809*)

Хўжайини: *Fulica atra* - қашқалдоқ.


Жойлашиши: қашқалдоқнинг фабрициев халтаси, 33 та текширилган қашқалдоқнинг 3(9%) да гельминт топилган. Зарарланиш интенсивлиги 10,1 га тенг. Сурхондарё вилояти Сурхон дарёсининг қирғоқларидан февралда аниқланган.

Cotylurus cornutus (Rudolphi, 1808) Szidat, 1928

Хўжайини: *Anas crezza* - ёввойи ўрдак.

Жойлашиши: ингичка ичак системасида. 41 та текширилган қушнинг 2(4.8%) трематода билан зарарланган. Зарарланиш интенсивлиги 1,5 га тенг. Сурхондарё вилоятининг Сурхон дарёси қирғоқларидан февралда қайд этилган. Ўзбекистон шароитида ушбу тур биринчи марта қайд этилди. Ёввойи ўрдак ушбу трематод учун асосий хўжайин сифатида биринчи марта руйхатга олинди.

Турнинг биологик таърифи: Тана узунлиги 1,3-2,9мм. олдинги сигмент 0.4-0.79мм узунликда, эни 0.38-0.83мм. Орқа сигменти (узунлиги 0.71-1.89мм; эни 0.30-0.67мм), олдинги қисмига нисбатан 1.31 яъни 4 марта узун. Оғиз сўрғичи диаметри 0.068-0.15мм. Фаринкс 0.048-0.13мм. Юмалоқ тухумдони (0.071-0.21 х 0.078-0.222мм) орқа сигментининг олдинги қисмида жойлашган. Олдинги тухумдон ўлчами 0.142-0.371мм, 0.183-0.456мм, кейингиси 0.128-0.286 х 0.164- 0.378мм (13-расм).



13-Расм . Триматодани умумий кўриниши *Cotylurus cornutus*

(*Rudolphi, 1808*) *Szidat, 1928*

Notocoty lusattenuatus (*Rudolphi, 1809*) *Diesing, 1839*

Хўжайини: *Anas platyrhynchos domesticus* – хонаки ўрдак.

Жойлашиши: ингичка ичакда. 95 та текширилган хонаки ўрдакнинг 4(4.2%) да трематода аниқланган. Зарарланиш интенсивлиги 5,7 га тенг. Сурхондарё вилояти Шеробод тумани ўрдакчилик комплексида июнда қайд этилган.

Bilharziella polonica (*Kovalewsky, 1895*)

Хўжайини: *Larus ridibundus, Anas platyrhynchos domestikus* – дарё чайкаси, хонаки ўрдак.

Жойлашиши: кон томирларда, 32 та текширилган дарё чайкасининг 4(12.5%) трематода билан зарарланган, 95 та текширилган хонаки ўрдакнинг 4(4.2%) трематода билан зарарланган. Сурхондарё вилоятининг Жанубий Сурхон сувомборида март ойида қайд этилган. Ушбу трематода дарё чайкаси ва хонаки ўрдакда асосий хўжайин сифатида Ўзбекистонда биринчи марта қайд этилган.

Синф: *Palaeakanthocephala* *Neyer, 1931*

Polymorphus minutus (*Goeze, 1782*)

Хўжайини: *Anas platyrhynchos domesticus* - хонаки ўрдак.

Жойлашиши: ингичка ичакда, 95 та текширилган ўрдакнинг 3(3.1%) трематода билан зарарланган. Зарарланиш интенсивлиги 2.1 га тенг. Сурхондарё вилояти Шеробод тумани ўрдакчилик комплекси.

Polymorphus magnus *Surjabin, 1913*

Хўжайини: *Anas platyrhynchos domestikus* – хонаки ўрдак.


Жойлашиши: ингичка ичак, 95 та текширилган хонаки ўрдакнинг 5(5.2%) зарарланган. Зарарланиш интенсивлиги 3.2 га тенг. Сурхондарё вилояти Шеробод ўрдакчилик комплекси.

Prosthorhynchus genitopapillatus Lundstrom, 1942

Хўжайини: *Sturnus vulgaris* – оддий чуғурчук.

Жойлашиши: ингичка ичакда, 41 та текширилган чуғурчуқнинг 3(7.3%) зарарланган. Зарарланиш интенсивлиги 2.3 га тенг. Сурхондарё вилояти Шеробод туманида июнда аниқланган. Ушбу акантоцефал чуғурчуқда паразитлик қилиши Ўзбекистонда биринчи марта қайд этилган.

Турнинг биологик таърифи: Эркагининг узунлиги 12-15мм, эни 1.9-2.2мм сариқ-оқиш тусда. Хартумининг узунлиги 1.5-1.8 мм, эни 0.4-0.6 мм, 16-19 қатор бўлиб жойлашган илмоқлари мавжуд. Базал илмоқлари бошқаларидан ингичкароқ бўлиб, илдизи йук. Ўткир илмоқларини максимал узунлиги 0.088 дан 0.095 мм бўлади. Уруғдони 1,4-1,7 мм узунликда, эни 0.8 мм бўлиб, тананинг биринчи ярмида жойлашган. Жинсий тешиги вентрал жойлашган. Урғочиси 16-29 мм узунликда, ранги худди эркагидек. Хартум қини 2.1-2.6 мм узунликда. Тухуми узун 0.074-0.082 мм, эни 0.026-0.036 мм, қобикли.14-расм




14-расм. **Акантоцефала** *Prosthorhynchus genitopapillatus Lundstrom, 1942*

Prosthorhynchus gracilis Petrotchenko, 1958

Хўжайини: *Urua erops* – сассикпопишак.

Жойлашиши: ингичка ичакда, 29 та текширилган қушнинг 2(3.4%) зарарланган. Зарарланиш интенсивлиги 2 га тенг. Сурхондарё вилояти Шеробод туманида июнда қайд этилган. Ушбу тур Ўзбекистонда биринчи марта қайд этилган. Асосий хўжайин сифатида сассикпопишак Ўзбекистонда биринчи марта қайд этилган.

Турнинг биологик таърифи эркагининг- цилиндрик танасининг узунлиги 8 мм, эни 2.4 мм. Хартум халтаси 2.9 мм узунликда, эни 0.46 мм. Ташқи деворидаги мускуллари яхши ривожланган. Уруғдони юмалоқ, 0.57 мм атрофида бири иккинчисини ёнида ётади. Уруғчиси танаси цилиндрик шаклда 12,1 мм, эни 2,9 мм. Хартуми (2,9 мм узунликда, эни 0.28-0.32 мм) цилиндрик шаклда, илмоқлари 20 қатор бўлиб жойлашган. Илмоқлари ўлчами : 1-қатордан 4-қаторгача ўткир учли бўлиб, 0.074-0.082 мм узунликда. Илдизи 0.054 мм узунликда. 5-қатордан 9-қаторгача ўткир учли бўлиб, 0.081мм узунликда. Илдизи 0.058-0.077мм узунликда. 10-қатордан 20-қаторгача ўткир учли бўлиб, 0.064мм узунликда, илдизи 0.072мм узунликда. Хартум қини (2.28-2.49мм узунликда, эни 0.38мм) бўлиб, цилиндрик шаклда, калин икки қават девори мавжуд. Тухуми овалсимон, 0.071мм узунликда, эни 0.029 мм бўлиб, уч қават қобик билан ўралган бўлиб, ўртасидаги қобик қалин (15-расм).



15-расм. Акантоцефала *Prosthynchus gracilis* Petrotchenko, 1958

Prosthynchus transversus (Rudolphi, 1819)

Хўжайини: *Turdus merula* – қораялок.

Жойлашиши: ингичка ичакда, 40 та текширилган қораялоқнинг 3(7.5%) зарарланган. Зарарланиш интенсивлиги 3.3 га тенг. Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманида қайд этилган.

Sphaerirostris teres (Westrumb 1821)

Хўжайини: *Sturnus vulgaris*, *Turdus ruficollis*, *Corvus corone*, *Acridotheres tristis*
– оддий чуғурчук , қораялок , қора қарға, ҳинд чуғурчуғи.

Жойлашиши: ингичка ичакда, 41 та текширилган чуғурчукнинг 2(4.8%), 27 та қораялоқнинг 4(14.8%), 59 та қора қарғанинг 3(5.0%), 119 та Хинд чуғурчуғининг 6(5.0%) зарарланган. Зарарланиш интенсивлиги 5,2 , 13,4 , 3,4 ва 5,7 га тенг. Тошкент вилоятининг Хумсон қишлоғида, ҳамда Сурхондарё


вилоятининг Жаркўрғон туманида май-июнь ойларида қайд этилган. Ўзбекистонда бу тур биринчи марта қайд этилган.

Ушбу тур акантацефал юқоридаги кушлар учун оралиқ хужайин сифатида Ўзбекистонда биринчи марта қайд этилган.

Турнинг биологик таърифи: Танаси урчуқсимон, оч-кук рангли тусда. Хартуми цилиндрсимон. Хартумини олдинги қисми юмалоқ, кейинги қисми цилиндрсимон. Хартумининг 12-16 катори 26-36 та илмокчалар билан копланган. Хартум қини халтасимон, икки қаватли яхши ривожланган.

Эркаги – узунлиги 7-21мм, эни 4.2мм. Хартум узунлиги 0.66-0.094 мм, эни 0.36-0.53мм. Хартуминининг олдинги қисми 0.42-0.54мм, орқадагиси 0.24-0.36мм. Уругдони тананинг олдинги қисмида бир-бирига қарама-қарши жойлашган бўлиб, олдингисини ўлчами 0.72- 2.15 x 0.43-0.103мм, кейингиси 0.73-2.38 x 0.51-0.106мм.

Урғочиси –тана узунлиги 9-21.09 мм, эни 2.0-4.03 мм. Хартумининг узунлиги 0.45-0.101 мм, эни 0.27-0.63 мм. Хартумининг олдинги қисми узунлиги 0.51 мм. Хартум қини 0.98-1.74 мм узунликда, эни 0.18-0.58 мм. Тухуми (0.034-0.037 x 0.023-0.032 мм бўлиб, эллипе симон шаклда (16-расм).



16-расм. **Акантоцефала** *Sphaerirostris teres* (Westrumb 1821)


Sphaerirostris teres (Westrumb 1821)

Хўжайини: *Turdus merula* – қораялоқ.

Жойлашиши: ингичка ичакда, 40 та текширилган қушнинг 6(15%) зарарланган. Сурхон давлат куриқхонасидан июнда аниқланган. Ўзбекистонда ушбу тур биринчи марта қайд этилди. Шунингдек Қораялоқ асосий хўжайин сифатида биринчи марта қайд этилди.

Турнинг биологик таърифи: Эркаги – 3.1-10.3 мм узунликда, эни 0.11-2.1 мм. Хартуми деярли юмалок, 0.31-0.39 мм узунликда, эни 0.23-0.28 мм. Хартумида 11-13- катордан бошлаб илмоқчалар сони 26-29 ни ташкил этади. Олдинги илмоқда ҳар бирида оркага йуналган, илдизи бор, колган илмоқлар эса олдинга қараб йуналган бўлиб ўлчами кичкина. Ўтқир илмоқчалар 0.31-0.058 мм, хартум қини 1.4-0.6 мм узунликда, эни 0.37 мм. Уруғдони (0.41-1.5 x 0.34-0.11 мм) эллипссимон бўлиб, тананинг олдинги қисмида бир-бирига қарама-қарши жойлашган.

Урғочиси – тана узунлиги 14-28мм, максимал эни 1.307 мм. Хартумининг олдинги қисми узунлиги 0.361-0.390 мм, кейинги қисми 0.309-0.389мм. Хартумининг умумий узунлиги 0.661-0.771 мм. Хартум қини олдинги қисми узунлиги 0.619-0.798 мм, кейинги қисми 0.871-0.973 мм (17-расм).



17-расм. Акантоцефала *Sphaerirostris teres* (Westrumb 1821)

Mediorhynchus micracanthus (Rudolphi, 1819)

Хўжайини: *Corvus corone*, *Alauda arvensis* – қора қарға, дала турғайи

Жойлашиши: ингичка ичакда, 59 та текширилган қора қарғанинг 3(5.0%), 26 та дала турғайининг 4(15.3%) зарарланган. Зарарланиш интенсивлиги 2.7 ва 8.1 га тенг. Сурхондарё вилояти Жаркўрғон туманида октябрда қайд этилган. Ўзбекистон шароитида ушбу акантоцефал қора қарға ва дала турғайида биринчи марта қайд этилди.

Nematoda, Rudolphi, 1808. *Capillaria obsignata*, Madsen, 1945

Хўжайини: *Gallus – gallus domesticus* – уй товуғи.

Жойлашиши: ингичка ичакда, 172 та текширилган товукнинг 21(12.2%) зарарланган. Зарарланиш интенсивлиги 11,2 га тенг. Текширилган товукларнинг барчасида қайд этилган.

Amidostomum filicae (Rudolphi, 1819)

Хўжайини: *Fulica atra* - қашқалдоқ.

Жойлашиши: мускулли ошқозоннинг пўсти остида, 32 та текширилган қашқалдоқнинг 5(15.2%) зарарланган. Зарарланиш интенсивлиги 2,2 га тенг. Текширилган туманларнинг барчасида декабр-январ ойларида қайд этилган.

Ascaridia galli (Schrank, 1788)

Хўжайини: *Gallus – gallus domesticus* - уй товуғи.

Жойлашиши: ингичка ичакда, 172 та текширилган товукнинг 63(36.6%) аскарида билан зарарланган. Зарарланиш интенсивлиги 25,2 га тенг. Текширилган туманларнинг барчасида декабр-январ ойларида қайд этилган.

Contracaecum spiculigerum (Rudolphi, 1809)

Хўжайини: *Phalacrocorax carbo* – катта қоравой.

Жойлашиши: мускулли ошқозонда 30 та текширилган қушнинг 4(13.3%) да гельминт аниқланган. Зарарланиш интенсивлиги 3.6 га тенг. Ушбу тур Сурхондарё вилоятининг Сурхон дарёси атрофидан сентябрь-декабрь ойларида аниқланган.

Porrocaecum crassum (Deslongchamps, 1824)

Хўжайини: *Acridothores tristis* – Ҳинд чуғурчуғи.

Жойлашиши: ингичка ичакда, 119 та текширилган майнанинг 3(2.5%) зарарланган. Зарарланиш интенсивлиги 4.3 га тенг. Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида май-июнь ойларида қайд этилган.

Porrocaecum ensicaudatum (Zeder, 1800)

Хўжайини: *Turdus merula*, *Sturnus vulgaris*, *Corvus corone*, *Acridotheres tristis*
–қораялоқ, оддий чуғурчук, қора қарға, Ҳинд чуғурчуғи.

Жойлашиши: ингичка ичакда 40 та текширилган қораялоқнинг 7(17.5%), 59 та қора қарғанинг 4(6.7%), 119 та Ҳинд чуғурчуғи 20(16.8%), 41 та оддий чуғурчукнинг 6(14.6%) зарарланган. Зарарланиш интенсивлиги 5.8 , 3.2 , 4.7 ва 8.3 га тенг. Тошкент вилояти Бўстонлик, туманидаги Хумсон қишлоғидан май-июнь ойларида топилган. Ўзбекистон шароитида ушбу нематода қора қарға, чуғурчук, майнада асосий хўжайин сифатида биринчи марта қайд этилган.

Heterakis gallinarum (Schrank, 1788)

Хўжайини: *Gallus-gallus domesticus*, *Phasianus colchicus bianchii* But. - уй
товуғи, қирғовул.

Жойлашиши: ингичка ичакда, 172 та текширилган товуқнинг 9(5.2%) , 5 та қирғовул зарарланган . Зарарланиш интенсивлиги 10,1 ва 2,0 га тенг. Ушбу тур Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманида май ойида қайд этилган.

Cyrtus capitellata (Schneider, 1866)

Хўжайини: *Caprasia garrulus* - кук қарға.

Жойлашиши: муқулли ошқозон пусти остида. 34 текширилган кук қарғанинг 3(8.8%) зарарланган. Зарарланиш интенсивлиги 7.6 га тенг. Тошкент вилояти Бўстонлик туманидаги, Пском қишлоғидан июнь ойида қайд этилди.

Hadjelia truncata (Creplin, 1825)

Хўжайини: *Lanius excubitor*, *Lanius schach*, *Urupa erops* – бўз ва узун думли
қарқунок, сассиқпопишак.

Жойлашиши: муқулли ошқозон пусти остидадан, 26 та текширилган бўз қарқунокнинг 3(11.5%), 23та узун думли қарқунокнинг 5(21.7%), 26та сассиқпопишакнинг 2(7.6%) зарарланган. Зарарланиш интенсивлиги 2,4 , 3,1 ,

4,3 га тенг. Сурхондарё вилоятининг Термиз ва Жаркўрғон туманларидан апрелда қайд этилди. Ушбу гельминт учун қарқуноклар янги хўжайин сифатида Ўзбекистонда биринчи марта қайд этилган.


Sicarius dipterum (Popova, 1927)

Хўжайини: Урура ерорс – сассикпопишак.

Жойлашиши: мускулли ошқозон пусти остида. 26 та текширилган қушнинг 2(7.6%) зарарланган. Зарарланиш интенсивлиги 4.5 га тенг. Сурхондарё вилоятининг Жаркўрғон туманида октябрда қайд этилди. Ушбу нематода Ўзбекистонда биринчи марта қайд этилган.

Турнинг биологик таърифи: Эркаги узунлиги – узунлиги 12-13.67 мм, эни 0.21-0.25 мм. Нерв ҳалқаси 0.24-0.28 мм. Қизилўнгачи узун, мускулли қисми 0.45-0.56 мм. Спикуласи (чапи) 0.67-0.69 мм ва (ўнги) 0.22-0.25 мм. Дум қисми узунлиги 0.14-0.17 мм. Олти жуфт симметрик таёқчасимон сўрғичлари бўлиб, 4 таси анал тешиги ёнида, 2 таси анал тешигидан кейин жойлашган.

Урғочиси – узунлиги 22.7-23.6 мм, эни 0.33-0.35 мм. Нерв ҳалқаси 0.29-0.32 мм, экскретор тешиги 0.33-0.38 мм бўлиб, танасини олдинги қисмида жойлашган. Қизилунгачининг мускулли қисми 0.52-0.54 мм. Вульваси тананинг охириги учидан 9.41-9.54 мм ораликда жойлашган. Тухуми



узунлиги 0.031-0.034 мм (18-расм).

18-расм. **Акантоцефала** *Sicarius dipterum* (Popova, 1927)

Tetrameris fissispina (Diesing, 1861)

Хўжайини: *Anas cressa* – ёввойи ғуррак.

Жойлашиши: безли ошкозонда, 41 та текширилган ғурракнинг 2(4.8%) зарарланган. Зарарланиш интенсивлиги 6,5 га тенг. Сурхондарё вилоятининг Сурхон дарёси қирғоқларидан январь ойида аниқланган.

Acuaria anthuris (Rudolphi, 1819)

Хўжайини: *Sturnus vulgaris*, *Corvus corone*, *Acridotheres tristis* - оддий чуғурчук, қора қарға, Ҳинд чуғурчуғи.

Жойлашиши: ингичка ичак, мускулли ошкозон пусти остида. 41 та текширилган чуғурчукнинг 6(14.6%), 119 та Ҳинд чуғурчуғининг 15(12.6%), 59та қора қарғанинг 5(8.4%) зарарланган. Зарарланиш интенсивлиги 3.5 , 2.7 ва 1.6 га тенг. Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани ҳамда Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманларидан июнь ойида қайд этилган. Ушбу нематода Ўзбекистон шароитида қора қарға, оддий ва Ҳинд чуғурчуғида асосий хўжайин сифатида биринчи марта қайд этилган.

Acuaria cordata (Meuller, 1897)

Хўжайини: *Lanius exsubitor*, *Lanius schach* – узун думли қарқунок ва буз қарқуноқда қайд этилди.

Жойлашиши: мускулли ошкозон пусти ости, 23 та текширилган узун думли қарқунокнинг 5(21.7%), 26 та буз қарқунокнинг 3(11.5%) нематода билан зарарланган.

IV-БОБ. Экологик таҳлил

Ушбу бобда қушлар гельминтларининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш натижалари берилган. Асосий эътибор қушлар гельминтларининг озикланиш жойига, йил мавсумига ҳамда озуқа таркиби, хўжайиннинг ёши ва жинсига боғлиқлигига эътибор қаратилган.

Қушлар гельминтларнинг табиий ва сунъий биоценозларда тарқалиш хусусиятлари

Қушлар бошқа умуртқали ҳайвонлардан фарқли равишда кенг тарқалиш ареалига эга бўлиб, ҳар бир жой ўзининг табиати ва иқлими билан фарқ қилади. Бу ўз навбатида гельминтларнинг нафақат таксономик белгиларига, балки у ёки бу биоценозда уларнинг турлар таркибига ҳам таъсирини ўтказади.

Тўпланган илмий материалларни таҳлил қилиш асосида, қушлар гельминтларнинг турли экологик биоценозларда тарқалиши натижасида ҳар бир биоценозда ўзига хос гельминтофауна комплекси шаклланган.

Бу ҳолатда асосий омил бир томондан жойнинг физик географик ва экологик шароити, ўсимлик қоплами, умуртқали ва умуртқасиз ҳайвонлар таркиби, иккинчи томондан хўжайиннинг экологик ҳолати (асосий, оралик, резервуар) муҳим рол ўйнайди.

Таdqикот натижалари асосида шундай хулосага келиндикки фаунистик комплексларнинг шаклланишида алоҳида табиий иқлим шароити ва биоценозлар муҳим рол ўйнайди.

11.жадвал

Қушлар гельминтларининг биоценозлар бўйича тарқалиши

Гельминтларнинг	Табиий биоценозлар	Сунъий ажратилган биоценозлар
-----------------	--------------------	-------------------------------

тури	Дарё, сой	тўқай лар	тоғ ўрмон лари	яйлов лар	парра ндачи лик ферма лари	парр анда чили к фабр икал ари	мева ли боғл ар	Шаҳ арлар
1	2	3	4	5	6	7	8	9

Paserilepis crenata	+++							
	+++							
<u>Termatoda</u>	+++							
Echinostoma	+							
redolutum	+	+	++				+	
Echinostoma	++	+	+					
transfretanum	+++		++					
Bilhazziella polonica	++							
Petasiger exaeretus					++	+		++
Brachulecithum								
donicum	++				++	+		++
Lyperosumum			+	+	+		++	+
longicauda	++				+			
Lyperosomum coracii	++				+		+	
Clinostomum	+				+		+	
complanatum								
Prosthogonimus ovatus								
Prosthogonimus	+++				++	+	++	
cuneatus	+++				++	+	++	
Collyriclum faba								
Cyclocoelum mutabile			+		+		+	
Cotylures corautus			+		+		+	
Notocotyles attenuates	+++				++		++	+
		+++	++	+				+

Diplotriana tricuspidis								
Tetrameres fissispina								
Acuazia anthuris								
Acuazia skrjabini								
Dispharynx nasuta								

Изоҳ:

+++ кенг тарқалган турлар

++- одатдаги турлар

+ - кам учрайдиган турлар

Дарё, сой қирғоқларидаги биоценозларда қушлар цестодлардан 4 тур кенг тарқалган (*Amoebotania cuneata*, *Dilepis unula*, *Paradilepis scolisna*, (*Cloantaenia megalops*), трематодалардан ҳам 4 тур (*Echinostoma revolutum*, *Ech. transfretanum*, *Bilharziella polonica*, *Lyperosomum coracii*), 3 тур

акантоцефал (*Polymorphus magnus*, *P. minutus*, *Prosthorhynchus transversus*) ва 3 тур нематода (*Contracaecum spiculigerus*, *Tetrameris fissispiua*, *Amidostomum fulicae*).

Бу маълумотлар шундан далолат берадики ушбу биоценозда охирги ва оралик (ёмғир чувалчанги, моллюскалар, қисқичбақасимонлар) хўжайинлар кўпроқ учрайди. Шунингдек қулай табиий шароит (нам тупроқ, зич ўсимликлар қоплами) паразит организмларнинг яшовчанлигини ошириб, турлар сонини кўпайишига сабаб бўлади.

Тўқай биоценозида ўзига хос бута ва дарахтлардан иборат бўлиб, кушлардан, қора қарға, чумчук, қораялоқ, зағча ва бошқалар учраб, улар учун 2 тур цестод (*Raillietina frontina*, *R. taiwanensis*) ва 4 тур акантоцефал (*Sphaerirostris teres*, *S. teres*, *S. turdi*, *Mediorhynchus armenicus*, *M. microcanthus*) характерли. Ушбу биоценозда паразит чувалчанглар ривожланиш учун қулай шароит ва турли систематик гуруҳдаги кушларнинг гельминт алмашинуви учун (иссиқ ёз вақтида, юқори намлик, зич ўсимликлар қоплами) қулай шароит яратади.

Тоғ зонасининг асосий қисмини аралаш ўрмонлар ташкил этади. Мевали боғлар, яйловлар, дарахт ва буталардан иборат. Бу ерда об-ҳавонинг юқори намлиги, тупроқ ва ҳаво ҳарорати, бой ўсимликлар қоплами ва бошқалар кўпгина гельминтларнинг ривожланиши учун қулай шароит ҳисобланади. Бунда оралик хўжайинсиз ривожланувчи нематодалар учун қулай муҳит ҳисобланади.

Ушбу биоценозда 4 тур цестод доминантлик қилади (*Mesocestoides perlatus*, *Choanotaenia passerina*, *Ch. constricta*, *Passerilepis crenata*), трематода оилаларидан Brachylaemidae ва Dicrocoeliidae ривожланиш циклида моллюскалар иштирок этади. Акантоцефаллардан: *Sphaerirostris teres*, *S. turdi*, *Mediorhynchus armenicus*, *M. Micracanthus* доминантлик қилади.

Яйлов биоценози учун характерли бўлган қушлар гельминтофаунасининг ривожланишида тўғри қанотлилар, тупроқ каналари ва бошқа умуртқасизлар очик биотоп умуртқасизлари ҳисобланади. Бунда доминантлик қилувчи цестодлар (*Mesocostoides perlatus*, *Passerilepis crenata*) ва нематода (*Ascarida galli*, *Capillaria obsignata*, *Heterakis gallinarum*) Ушбу биоценозда гельминтларнинг эмбрионлик давридаги яшовчанлигига салбий таъсир этади.

Одам таъсирида бўлган биоценозларда паразит чувалчангларнинг турли гуруҳ вакиллари учрайди. Паррандачилик хўжаликларида гельминтологик ҳолда ишларни ташкил қилишнинг технологик ҳолатига боғлиқ бўлади. Йирик паррандачилик фабрикаларида паррандаларни қафасда сақланиши гельминтларни яшовчанлигини кам таъминлайди, лекин паррандачилик фабрикаларининг чеккаларида гельминтларнинг зарарланиш интенсивлиги юқори бўлиб (75-89%), уларга (аскаридоз, гетеракидоз, каппиллариоз ва бошқалар).

Шахсий хўжаликлар ва фермер хўжаликларида, паррандачилик фабрикаларида кенг тарқалган гельминтлар аскаридоз(40-90%) гетеракидоз (51-54%), шунингдек цестодлардан райетениоз:(0,6-4,1%) юқори фоизни ташкил қилиб, бунда товуқларни аралаш гельминтлар билан зарарланиши кузатилади.

Мевали боғлар биоценози бир қанча белгилари билан табиий биоценозлардан фарқ қилади. Паразит чувалчангларнинг ривожланишига агротехник тадбирлар, кимёвий ўғитлар, гербицидлар, инсектицидлар ва бошқаларни таъсири турлар таркибида яққол сезилади. Кўпроқ учрайдиган цестодлардан (*Raillietina taiwanensis*, *Choanotaenia passirina*, *Passerilepis crenata*) ва акантоцефаллардан (*Sphaerirostris teres*, *Prosthorhynchus transversus*) *dup.*

Шаҳарлар бизнинг регионимиз табиатга кучли таъсири бўлган зона ҳисобланади. Узига хос бўлган экологик шароит, юқори ҳарорат,

ифлосланган сув, ҳаво, тупроқ, яшил ўсимликлар ва бошқалар . Кейинги йилларда шаҳарларда ўзига хос бўлган авиафауна Ҳинд чуғурчуғи, қора қарға, ғуррак, қораялоқ, уй чумчуғи ва дала чумчуғи шаклланган. Ушбу шароитда ўзига хос бўлган 4 тур цестод (*Raillietina echinobothrida*, *R. frontina*, *Skriabinia cesticillus*, *Chonotaenia infundibulum*), 3 тур акантоцефалл(*Sphaerirostris teres*, *S.turdi*, *Mediorhynchus armenicus*), 4 тур нематода (*Ascaridae galli*, *Capillaria obsignata*, *Heterakis gallinarum*, *Dispharynx nasuta*) учрайди. Ўтлар ва буталар билан қопланган ерларда кўплаб умуртқасизлар (чумолилар, каттиқ қанотлилар ва бошқалар) куйидаги гельминтозлар учун учоғ вазифасини бажаради. (*Skriabina cesticillus*, *Chonotaenia infundibulum*, *Echinolepis carioca*, *Hymenolepis fraternal*, *Monopylidium passerum*, *Prosthorhynchus transversus* *P.gracilis*, *Acuaria anthuris*, *Porrocaecum ensicaudatum*, *Dispharynx nasuta*).

Юқоридаги 11-жадвал маълумотларига кўра қушлар орасида хилма хил гельминтофауна, сув ҳавзалари қирғоқлари, тўқайлар тоғ ўрмонлари, яйловлар бўлиб булар табиий биоценозлар ҳисобланади. Ушбу биоценозларда 17,25 ва 31 тур гельминтлар қайд этилган бўлиб, зарарланиш экстенсивлиги 2,76 ва 33,3% ташкил этди. Ушбу биоценозларда табиий учоқлари бўлган гельминтозлар амоеботениоз, хоанотениоз , эхиностоматидоз ва бошқаларни учраши қайд этилди.

Ушбу биоценозларда гельминтлар турларининг хилма хиллигига сабаб, озуқа таркибининг турли туманлиги яъни умуртқасиз хайвонлар турлар таркибини турлича бўлиши сабабилидир.

Кўпчилик қушларнинг гельминтофаунаси (кўк ва қўнғир қаптар, кўк қарға, қарқуноқ) сони камайиши тенденцияси кузатилган.

Инсон омили таъсирида бўлган биоценозларда хонаки қушлар билан ёввойи қушлар ўртасида гельминт алмашинувида синантроп қушлардан Ҳинд ва оддий чуғурчук, қора қарға, дала чумчуғи, мусича ва ғуррак каби турларнинг зарарланиш даражаси юқори бўлиб (54,7-56,5%) ташкил этган.

Турли биоценозлар бўйича қушлар гельминтларининг тарқалиши бошқа умуртқали ҳайвонларга нисбатан таққослаганда хилма-хилдир. Бу ўз навбатида қанотли умуртқалиларни бошқа ҳайвонларга нисбатан тарқалиш ареали кенглиги билан характерланади.

ХУЛОСАЛАР

1. Сурхондарёда қушлар гельминтларнинг таркиби 83 турни ташкил этган (цестодлар 35, трематодалар 15, палеакантоцефаллар -7 архекантоцефаллар-2 нематодалар-24) ташкил этди. 21 тур паразит чувалчанглар Ўзбекистон қушларида биринчи марта қайд этилди. 5-тур гельминт учун 6 тур қуш фанда янги хўжайин сифатида қайд этилди 17-тур қушлар Ўзбекистон шароитида 43-тур гельминт учун янги хўжайин сифатида қайд этилди.

2. Қушлардан аниқланган гельминтлар паразит чувалчангларнинг 31 оиласига ва 5-синфига таалуқлидир. Учраш даражасига қараб акцидентлар 12 оила 14 тур гельминтни ўз ичига олган, гельминтлар таркибининг 16.8% ташкил этган субдоминант турлар 43-51,% доминантлар-6 оила бўлиб, 26-31,3% ташкил этди.

3. Текширилган 1044 дона ёввойи қушлар ва уй паррандалари (28тур, 8 туркум)дан 579 (55,4) гельминтлар билан зарарланган бўлиб, шундан цестода- 226 (21.6%), трематодлар-66(6,3%), палаакантоцефаллар -35(3,3%), архиакантоцефаллар -(2,2) ва нематодалар 24- (23,1) ташкил этган.

4.Паразит чувалчанглар билан юқори зарарланиш, товуксимонларда (69,4%, 10-тур гельминтлар) веслоногех (66,6% 4-тур гельминт) жанкообразних (62,5% 6-тур гельминт), кўктарғоқсимонлар (58,1%, 16-тур гельминт), турнасимонларда (57,5%, 8-тур гельминт)чумчуқсимонларда (52,5%, 58-тур гельминт) каптарсимонларда (41,4%, 5-тур гельминт) пластинка тумшуклиларда (37,5%, 12- тур гельминтлар), ташкил этди.

5.Республикада кенг тарқалган гельминтларга: *Choanotaenia constricta*, *Skrjabina cesticillus*, *Raillietina echinobobthrida*, *Amoebotaenia cuneata*, *Passerilepis crenata*, *Echinostoma revolutum*, *Prosthogonimus avatus*, *Polymorphus magnus*, *Ascaridia galli*. Юқумли учокларни юзага келтирувчи

турлар: *Choanotaenia constricta*, *Raillitina echinobothrida*, *Amoebotaenia cuneata*, *Ascaridia galli*, кураду.

6. Кушларнинг озуқавий алоқаси, уларнинг ёши, жинси ва мавсумий кўрсаткичлари табиатда паразитар системани шаклланишида биринчи даражали таъсирлар ҳисобланади.

7. Кенг тарқалган ёввойи қушлар ва уй паррандалари гельминтларини экологик мониторинги асосида шу нарса маълум бўлдики, антропоген омил таъсирида 14 тур гельминтларни қайта тикланиши кузатилди. (*Raillietina weissi*, *Sobolevitaenia sobolovi*, *Monopylidium parinum*, *Echinostoma transfretanum*, *Brachylecithum donicum*, *Collyriclum faba*, *Bilharziella polonica*, *Prosthorhynchus geaitopopillatus*, *P. gracilis*, *Spaerirostric teres*, *S. turdi*, *Mediorhynchus armeaicus*, *Acuaria skrjabini*, *Diplotriaena socolovi*) . Шу вақт ичида баъзи паразит турлар (*Paryphostonium Skriabini*, *Eurycephalus petrovi*, *Opisthorchis schinhobalovi*, *Microtetrames gubernaculiferens*) камайган турлар олдин кенг тарқалган (*Lyperosomum coracii*, *Collyriclum fala*, *Bilharsiella polonica*, *Sphaerurostris turdi*) камайган.

8. Баъзи тур гельминтларининг ривожланиш циклида янги маъумотлар киритилди. (2 тур цестод, 1 тур акантоцефалл, 1 тур нематод):

-Цестода *Amoebotaenia cuneata* тоғ ва тоғ олди зоналарида ёмғир чувалчангининг *Allolobophora caliginosa* ва *Eisenia rosea* турларида дефенетив хўжайин организмида (уй товуғида) 27 сутка давомида жинсий вояга етиши аниқланди.

-Цестода *Skrjabina cesticillus* Ўзбекистонда табиий шароитда қора танли кўнғизда (*Tenebrio molitor*, *Prosodes bufonis*, *Zabrus moreo*, *Gomocephalum pubiferum*, *Dila laevicolles*) қуруқлик шароитда амалга ошади. Цестодани уй товуғи танасида жинсий вояга етиши 12-16 сутка давом этади.

Акантоцефал *Prosthorhynchus transversus* намли жойларда чумчуқсимон қушлар иштирокида ва оралиқ хўжайини захкаш *Armadillum*

vulgare ва *Percellie featchenkoe* турларида кетади. Ривожланиш цикли табиат ва сунъий биоценозларда актив кетади. Акантоцефалнинг дефенетив хўжалик организмида жинсий вояга етиш учун 16-28 сутка керак бўлади.

Нематода *Dispharynx nasuta* ўсимликлар турлари кўп бўлган биоценозларда. Ушбу нематода орлиқ хўжайин захкашлар *Porcellio scaber* ва *P.lavi*, товук организмида нематода 18-21 сутка давомида жинсий вояга етади.

9. Кенг тарқалган цестодлар (*Choanotaenia constricta*, *Hymenoleps fraterna*, *Echinolepis carioca*) чумчуқсимонлар ва товуксимонларда ёзда (июнь), тоғ биоценозида 1-3 сутка (очик жойда) ва 4-5 сутка (соя жойларда) яшовчанлигини сақлайди. Шу вақтда оралиқ хўжайини қора танли кўнғизда цестода асосий зарарланиш кузатилди.

10. Қушларнинг қишлоқ хўжалик ҳайвонларида монезиоз ва тизаниоз тухумларини тарқатишдаги диссиминаторлик роли очиб берилган. Ушбу илмий тадқиқот ишининг назарий қисмида қўриқхона ходимлари ов хўжалик ходимлари қишлоқ хўжалик ташкилотлари магистрлар, докторантлар фойдаланиши мумкин.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатлари таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Тошкент –“Ўзбекистон” -2016
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т., «Маънавият», 2008
3. Мирзиёев Ш. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. Тошкент –“Ўзбекистон” -2016
4. Абсалов Н.А «Гельминтофауна водоплавающих птиц Киргизии // Труды ин-та зоология и паразитологии АН Киргизии- Вып.6. С. 121-144.1990 й
5. Абсалов Н.А Чибиченко Н.Т Фауна нематод диких птиц Киргизии// Птиц Киргизии.- 1981.- С.187-287
6. Азимов Д.А. Перестройка системы трематод подотряда Schistomatata Skrabinet Schulz. 1937 // Зоол.ж.-1970.-Т.49.- Вып.8. С. 1126-1131.
7. Алимов М.Р. Гельминты водоплавающей птиц Бухарской области: Автореферат канд.дисс.- Самарканд.-1998.-С.2-21
8. Арыстанов Э., Туремуратов А. Трематоде утиных птиц водоемов дельты Амударьи // Профилактика и борьба с трематодами животных в зонах мелиорации земель. М.-1983. С. 5-48.
9. Арыстанов Э., Туремуратов А. Трематоде утиных птиц водоемов дельты Амударьи // Профилактика и борьба с трематодами животных в зонах мелиорации земель. М.-1993. С. 5-48.
10. Белокобыленко В.Т. Гельминты и гельминтозы домашних птиц на юга-востоке Казахстана // Гельминты и гельминтозы домашних птиц Казахстана.- Алма-Ата.- 1994.- С.3-6
11. Боргаренко Л.Ф. «Нематоде домашних птиц Таджикистана»Сборник ВИГИС №6. М.-1999 С.3-5.

12. Боргаренко Л.Ф. Нематоды и скребни пастушковых птиц (Raillidae) Таджикистана // Доклады АН Тадж .1999.-Т.13 (6).-С.61-64.
13. Боргаренко Л.Ф.Личинка скребня рода *Mediorhynchus* гарумарусов // Зоологический сборник.- Душанбе: Дониш.-1985 С.74-76.
- 14.Боргаренко Л.Ф. Гельминты птиц Таджикистана // Книга I. Цестоды.- Душанбе: Дониш.- 1991.- С. 220.
15. Боргаренко Л.Ф.Гельминты птиц Таджикистана // Книга II. Трематоды Душанбе: Дониш.-1994.-С. 210 .
16. Боргаренко Л.Ф. Гелминты птиц Таджикистана // Книга III.Нематоды.- Душанбе: Дониш.- 1998.-С. 7-250.
17. Ваидова С.М. Гелминты птиц Азербайджана //Изд-во «Дан».-1988.
18. Гафуров А.К. Жуки- промежуточные хозяева гельминтов животных Таджикистана. // Душанбе.- 1978.- С.156.
19. Дубинина М.Н. Паразитологические исследования птиц // Методы паразитологических исследований.- Л.: Наука.-Вып.4. 1971.- С 3-139.
20. Эгизбаева Х.И Биологические основы профилактики гименолипидозов водоплавающих птиц в Казахстане. Алма-Ата: Наука.- 1990.- С.90-95.
21. Заводовский М.М., Петрова М.И. Способствуют ли птицы (голуби, воробьи,воробьи, куры) распространению трихостронгиллид // Труды по динамике развития.- 1991.- Вып.4.- С.169-179.
22. Кабилов Т.К. Жизненные циклы гельминтов животных Узбекистана. Ташкент: Фан.- 1988.- С. 3-86.
23. Кабилов Т.К., Давлатов Н., Улугова С., Тангиров Х. Зависимость зараженности позвоночник животных гельминтами от возраста хозяев // Узб.биол.ж.-1990.- № I.-С. 44-46.

24. Султанов М.А Гельминты домашних и охотничье-промысловых птиц Узбекистана // Ташкент: Фан. 1963.-С 463.
25. Султанов М.А., Каилов Т.К. О виявления промежуточных хозяев цестоди *Amobotaenia cuneata* (Janstow/ 1872)Cohn, 1899 в Кашкадарьинской области // Доклады АН. Ташкент: Фан.-1973.-С.47-48.
26. Туремуратов А.Т. Гельминти рибоядных птиц Аральского моря: Автореферат канд.дисс.-М.-1964.23.С.
27. Туремуратов А.Т. Некоторые итоги изучения гельминтофауны рибоядных птиц бассейна Аральского моря // Рибные запасы Аральского моря и пути их рационального использования.- Ташкент: Фан.- 1964. Сю127-132.